49 (757)-сон — 17 — 562-модда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПАРВОЗЛАР ХАВФСИЗЛИГИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ БОШЛИГИНИНГ БУЙРУГИ

562 Ўзбекистон Республикаси самовий худудида фукаро ва экспериментал авиациясининг парвоз килиш авиация коидаларига (ЎзР АК-91) ўзгартириш ва кушимчалар киритиш хакида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил 6 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1723-8

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 31 августдаги 287-сонли «Ўзбекистон Республикасининг фуқаро ва давлат авиациясида учувчисиз учиш қурилмаларидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги ҳамда 2016 йил 18 октябрдаги 349-сонли «Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудида авиациянинг парвоз қилиш асосий қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги қарорларига мувофиқ **буюраман**:

- 1. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2007 йил 12 сентябрдаги 141-сонли буйруғи (руйхат рақами 1723, 2007 йил 29 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари туплами, 2007 й., 41-42-сон, 420-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси самовий худудида фукаро ва экспериментал авиациясининг парвоз қилиш авиация қоидаларига (ЎзР АҚ-91) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қушимчалар киритилсин.
- 2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Бошлик Т. ЎЛЖАЕВ

Тошкент ш., 2016 йил 21 ноябрь, 88-н-сон



Узбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлигининг 2016 йил 21 ноябрдаги 88-н-сонли буйругига ИЛОВА

Узбекистон Республикаси самовий худудида фукаро ва экспериментал авиациясининг парвоз килиш авиация қоидаларига (ЎзР АҚ-91) киритилаётган ўзгартириш ва қушимчалар

- 1. І бобда:
- а) 1-параграфда:

йигирма бешинчи, бир юз эллигинчи — бир юз эллик иккинчи хатбошилардаги «(13,5 д. мили)» деган сўзлар «(14 д. мили)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

олтмиш бешинчи хатбошидаги «ҳар қандай аппарат» деган сўзлар «ҳар қандай учиш аппарати» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бир юз эллик олтинчи — бир юз эллик саккизинчи хатбошилардаги «(булутлар қуйи чегарасининг баландлиги)да» деган сўзлар «(булутлар қуйи чегарасининг баландлигида, зарурат бўлганда)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бир юз олтмиш биринчи хатбошидаги «(булутлар қуйи чегарасининг баландлигида)» деган сўзлар «(булутлар қуйи чегарасининг баландлигида, зарурат бўлганда)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тулдирилсин:

«Учувчисиз учиш қурилмаси — учувчисиз парвоз қиладиган, бошқа жойдан масофадан туриб бошқариладиган ёки дастурлаштирилган ва парвозда батамом мустақил бўла оладиган хаво кемаси (хаво кемаларининг моделлари бундан мустасно);

Фукаро авиацияси учувчисиз учиш курилмаси оператори учувчисиз учиш қурилмасини бевосита бошқарувчи шахс.»;


- б) 2-параграф қуйидаги мазмундаги қисқартмалар билан тулдирилсин:
- «**DME** узун ўлчамли ускуна;
- **УУК** учувчисиз учиш қурилмаси.
- 2. 115, 118, 120 ва 123-бандлардаги «(булутлар пастки чегарасининг баландлиги)» деган сўзлар «(булутлар пастки чегарасининг баландлиги, зарурат бўлганда)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.
 - 3. 138-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:
- «138. Хаво трассасининг кенглиги қоидага кура 10 км (5 д. мили) қилиб белгиланади.».
 - 4. 140-бандда:
- «а» кичик банддаги «(5,4 д. мили)» деган сўзлар «(5 д. мили)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;



- «б» кичик банддаги «(2,2 д. мили)» деган сўзлар «(2 д. мили)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.
- 5. 141-банднинг «а» кичик бандидаги «(2,7 д. мили дан)» деган сўзлар «(3 д. мили дан)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.
- 6. 337-банднинг «а» кичик бандидаги «(2,7 д. мили)» деган сўзлар «(3 д. мили)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.
- 7. 358-банддаги «(5,4 д. мили дан)», «(2,7 д. мили дан)» ва «(13,5 д. мили дан)» деган сузлар тегишлича «(5 д. мили дан)», «(3 д. мили дан)» ва «(14 д. мили дан)» деган сузлар билан алмаштирилсин.
- 8. 390-банддаги «(5,4 д. мили)» деган сўзлар «(5 д. мили)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.
 - 9. 400-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:
- «400. УПҚ бўйича энг якин масофадан кўнишга киришга (кўнишга кириш схемаси бўйича парвоз кисман бажарилмаган холларда) бурчак-масофа ўлчагич ва/ёки йўлдош системасини кўллаб радиолокация назорати амалга оширилган холларда рухсат берилади.».
- 10. 407-банднинг «ж» кичик бандидаги «(2,7 д. мили га)» деган сўзлар «(3 д. мили га)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.
- 11. 408-банднинг «ж» кичик бандидаги «(2,2 д. мили ни)» деган сўзлар «(2 д. мили ни)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.
- 12. 414-банддаги «(13,5 д. мили)» деган сўзлар «(14 д. мили)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.
- 13. 517-банднинг «в» кичик бандидаги, 518-банднинг «б» кичик бандидаги, 520-банднинг «а» кичик бандидаги ва 524-банднинг «г» кичик бандидаги «(вертикал куриниш)» деган сузлар «(вертикал куриниш, зарурат булганда)» деган сузлар билан алмаштирилсин.
- 14. 519-банднинг «а» кичик бандидаги «НГО баландлиги (вертикал кўриниш)» деган сўзлар «булутлар пастки чегарасининг баландлиги (вертикал кўриниш, зарурат бўлганда)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.
 - 15. Қуйидаги мазмундаги XVII¹ боб билан тулдирилсин:

«XVII¹ боб. Учувчисиз учиш қурилмаларининг парвозларини ташкил қилиш ва бажариш

- 789¹. УУҚ парвозини бажариш вақтида фуқаро авиацияси учувчисиз учиш қурилмаси операторида ушбу қурилмани учишга тайёрлаш ва бошқаришга оид қулланма булиши шарт.
- 789². УУҚ парвози сутканинг ёруғ вақтида, оддий метеошароитларда, тўғри кўриниш доирасида ва УУҚ билан доимий визуал контактда бўлганда бажарилади.
- 789³. Фуқаро авиацияси учувчисиз учиш қурилмаси оператори бир вақтнинг ўзида фақат битта УУҚни бошқариши мумкин.
- 789⁴. УУҚни учириш ва қўндириш очиқ ва яққол кўринадиган худудларда, одамлар ҳамда бино ва иншоотлардан хавфсиз масофада амалга оширилади.





562-модда

789⁵. УУҚ парвози:

- а) одамлар, бино ва иншоотлар хамда транспорт воситаларигача 30 м дан кам булмаган масофада;
- б) дам олиш масканлари, ўйин майдонлари, спорт ва оммавий тадбирлар ўтказиладиган жойларгача 150 м дан кам бўлмаган масофада;
- в) аэродромлар, вертолёт майдонлари, давлат идоралари, темир йўл ва автомобиль вокзалларигача (станцияларигача) 5 км дан кам бўлмаган масофада бажарилади.».
 - 16. 912-банд қуйидаги мазмундаги «г» кичик банд билан тулдирилсин:
 - «г) паст ва энг паст баландликлардаги парвозлар.».
- 17. 914-банддаги «(10,8 д. мили)» деган сўзлар «(10 д. мили)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.
- 18. 951-банддаги «(2.7 д. мили)» деган сўзлар «(3 д. мили)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.
 - 19. XXII боб қуйидаги мазмундаги 12-параграф билан тулдирилсин:

«12-§. Паст ва энг паст баландликлардаги парвозлар

957¹. Паст ва энг паст баландликларда парвозни амалга оширишда ҳаво кемаси командири ҳудуд релефини ва ундаги сунъий тусикларни, баландликни пасайтириш ва купайтириш майдонларида парвозни бажариш тартибини билиши, алоқа воситаларининг ва РТУ чекланиш масофасини, ёқилғининг ортиқча ҳаражатланишини инобатга олиши керак.

957². Паст ва энг паст баландликлардаги парвозда ВПҚ буйича парвозни хавфсиз давом эттириб булмайдиган метеошароитлар билан тукнашганда, УПҚ буйича парвозга утилиши, хавфсиз баландлик ёки пастки хавфсиз эшелон эгалланиши керак хамда бу ҳақда ҲҲБ органи хабардор қилиниши керак.

- 957³. Паст ва энг паст баландликлардаги парвоздан берилган эшелонни (баландликни) эгаллаш вақтида барометрик баландлик ўлчагичнинг босим шкаласини стандарт атмосфера босимига ўтказиш эшелонни (баландликни) эгаллаш харакати бошлангандан кейин амалга оширилади.».
- 20. XXIII бобнинг 8-параграфи қуйидаги мазмундаги 994¹-банд билан тулдирилсин:
- «994¹. Мулжални йуқотганда хавфсиз баландликдан (эшелондан) пасайиш тақиқланади.».

21. 15-иловада:

жадвалдаги «Ҳақиқий об-ҳаво (БҚЧБ, УҚЙ кўриш имконияти, шамол)» деган сўзлар Ҳақиқий об-ҳаво «(БҚЧБ, зарурат бўлганда УҚЙ кўриш имконияти, шамол)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

жадвалнинг изохидаги «булутлар пастки чегарасининг баландлигини» деган сўзлар «булутлар пастки чегарасининг баландлигини (зарурат бўлганда)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

22. Мазкур ўзгартириш ва қушимчалар Узбекистон Республикаси Му-



Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2016 й.



49 (757)-сон

— 21 —

562-563-моддалар

дофаа вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология ҳизмати маркази ҳамда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси билан келишилган.

Мудофаа вазири

К. БЕРДИЕВ

2016 йил 21 ноябрь

Вазирлар Махкамаси хузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази бош директори

В. ЧУБ

2016 йил 21 ноябрь

«Ўзбекистон хаво йўллари» миллий авиакомпанияси бош директори

В. ТЯН

2016 йил 21 ноябрь